


## IV. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 20 309,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 % ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 18 815,5 млрд. сўмни (102,5 %), ўрмон хўжалигида – 1 303,8 млрд. сўмни (101,8 %), балиқ хўжалигида – 189,8 млрд. сўмни (103,6 %) ташкил қилди.


**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)  
ҳажмининг тақсимланиши**



- Ўрмон хўжалиги
- Балиқ хўжалиги
- Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар
- Деҳқончилик
- Чорвачилик
- Хизматлар (овчилик билан)

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар) умумий ҳажмининг 92,7 % деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳиссасига, 6,4 % - ўрмон хўжалиги ва 0,9 % балиқ хўжаликлги ҳиссасига тўғри келади.


### Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми



2019 йилнинг январь-мартда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар(хизматлар) ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Самарқанд (2789 млрд. сўм) ва Тошкент (2686 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди, бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси (689 млрд. сўм), Сирдарё (723 млрд. сўм) ва Навоий (1060 млрд. сўм) вилоятларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар(хизматлар)нинг паст ҳажмлари кузатилди.

Бирмунча юқори ўсиш суръатлари Фарғона (105,3 %), Хоразм (104,0 %) ва Андижон (103,8 %) вилоятларида қайд этилиб, аксинча, Сирдарё (100,4 %), Самарқанд (101,2 %), Қашқадарё (101,3 %), Жиззах (101,3), Тошкент (102,0 %) ва Наманган (102,1 %) вилоятларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

## Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати



## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 13,7 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари мос равишда 13,2 % ва 8,5 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (3,4 %), Сирдарё (3,6 %) ва Навобий (5,2 %) вилоятларида қайд этилди.


### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 18 743,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 1 392,4 млрд. сўмни (100,6 %), чорвачилик маҳсулотлари – 17 351,4 млрд. сўмни (103,4 %) ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
ишлаб чиқариш ҳажмида  
деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши**



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**



2019 йилнинг январь-март ойларида 18,7 трлн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ушбу ҳажмнинг 1,4 трлн. сўмга тенг қисми ёки 7,4 % деҳқончилик соҳасига тўғри келган ҳолда, 17,3 трлн. сўмга тенг қисми ёки 92,6 % чорвачилик соҳасига тўғри келади.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, %




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 87,8 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 7,9 % и – фермер хўжаликларига, 4,3 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улушининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

2019 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар таркибидаги фермер хўжаликларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сирдарё вилоятида (13,6 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Хоразм вилоятида (94,8 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (14,1 %) қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Хоразм вилоятида (3,8 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Тошкент вилоятида (78,3 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Жиззах вилоятида (1,2 %) қайд этилди.



## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши



## Дехқончилик

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 1 392,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 7,4 % ни ташкил қилди.

## Сабзавотлар



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 56,2 минг.т. сабзавотлар (2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 0,4 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Хўжаликлар тоифалари бўйича сабзавот ишлаб чиқариш маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, ишлаб чиқарилган умумий сабзавотлар ҳажмининг 75,9 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси  
худудлари бўйича  
**сабзавотлар**  
етиштириш ҳажми



МИНГ ТОННА



## Чорвачилик

2019 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 17 351,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 92,6 % ни ташкил этди.


## Гўшт




2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 458,5 минг.т. гўшт (2018 йилнинг январь-мартга нисбатан 4,0 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Хўжаликлар тоифалари бўйича гўшт ишлаб чиқариш маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, ишлаб чиқарилган умумий гўшт ҳажмининг 92,7 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш зарур.



**Ўбекистон Республикаси ҳудудлари  
бўйича гўшт (тирик вазнда)  
етиштириш ҳажми, тонна**



## Сут



### Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши





2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1726,1 минг.т. сут (2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,5 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Хўжаликлар тоифалари бўйича сут ишлаб чиқариш маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, ишлаб чиқарилган умумий сут ҳажмининг 95,3 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш зарур.




**Ўзбекистон Республикаси  
худудлари бўйича ишлаб  
чиқарилган **сут** ҳажми, тонна**



## Тухум



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг  
хўжалик тоифалари бўйича  
тақсимланиши




2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1304,9 млн. дона тухум (2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 5,5 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Хўжаликлар тоифалари бўйича сут ишлаб чиқариш маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, ишлаб чиқарилган умумий сут ҳажмининг 53,7 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш зарур.




**Ўзбекистон Республикаси  
худудлари бўйича олинган  
тухум ҳажми, минг дона**

<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1 304 928</b>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>74 902</b>
<b>Андижон</b>	<b>48 227</b>
<b>Бухоро</b>	<b>77 296</b>
<b>Жиззах</b>	<b>48 324</b>
<b>Қашқадарё</b>	<b>88 133</b>
<b>Навоий</b>	<b>71 067</b>
<b>Наманган</b>	<b>96 167</b>
<b>Самарқанд</b>	<b>245 340</b>
<b>Сурхондарё</b>	<b>87 932</b>
<b>Сирдарё</b>	<b>33 395</b>
<b>Тошкент</b>	<b>243 174</b>
<b>Фарғона</b>	<b>89 089</b>
<b>Хоразм</b>	<b>101 882</b>

## Балиқ



Ishlab chiqarilgan mahsulotning xo'jaliklar toifalari bo'yicha taqsimlanishi



2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 12860 т. балиқ (2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,5 % га кўп) овланди. Хўжаликлар тоифалари бўйича овланган тўғрисидаги чиқариш маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, умумий овланган балиқнинг 61,5 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келишини кўриш мумкин.



**Ўзбекистон Республикаси**  
**худудлари бўйича овланган балиқ**  
**ҳажми, тонна**



## Чорва моллари ва паррандалар бош сони

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 579,0 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 4 446,6 минг бошга, қўй ва эчкилар– 21 188,4 минг бошга, паррандалар – 78 218,3 минг бошга етди.



### 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг. бош	ўсиш суръати %	минг. бош	ўсиш суръати %	минг. бош	ўсиш суръати %	минг. бош	ўсиш суръати %
Йирик шохли								
қорамоллар	12 579,0	102,7	622,0	102,8	11 798,6	102,8	158,4	95,9
<i>шу жумладан</i>								
сигирлар	4 446,6	103,4	213,9	103,7	4 193,4	103,4	39,3	101,6
Қўй ва эчкилар	21 188,4	103,7	2 238,4	106,4	17 907,7	104,0	1 042,3	93,9
Паррандалар	78 218,3	109,9	10 025,9	113,0	49 080,5	108,7	19 111,9	111,6

2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 335,1 минг бошга (2,7 %), шу жумладан сигирлар – 144,3 минг бошга (3,4 %), қўй ва эчкилар – 754,3 минг бошга (3,7 %), паррандалар – 7 071,6 минг бошга (9,9 %) кўпайди.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 4,9 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,8 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,6 % и фермер хўжаликларига, 84,5 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 4,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 12,8 % и фермер хўжаликларига, 62,8 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 24,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

### Чорва моллари ва паррандалар бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича улуши




### 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

#### Йирик шоҳли қорамоллар (минг бош)



#### шундан, сигирлар (минг бош)



### Қўй ва эчкилар (минг бош)



### Паррандалар (минг бош)

